## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУГИ

## **522** Норматив-хуқуқий хужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 12 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2292

(2011 йил 22 декабрдан кучга киради)

Давлат реестридан чиқариладиган норматив-хукуқий хужжат буйича 2011 йил 6 декабрдаги хулосага мувофиқ хамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли «Вазирликлар, давлат қумиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари турисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг туплами, 1997 й., 10-сон, 33-модда) ва 2000 йил 19 майдаги 197-сонли «Вазирликлар, давлат қумиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш турисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг туплами, 2000 й., 5-сон, 26-модда) қарорларига асосан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва «Ўзбекистон ҳаво йуллари» МАКнинг 2011 йил 23 ноябрдаги 01-39/10-1339-сон қушма хатини инобатга олган ҳолда буюраман:

- 1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК томонидан тасдикланган «МДХ мамлакатларининг авиакомпаниялари томонидан авиация хизматлари учун ҳисоб-китобларни ва Ўзбекистон Республикасида олинган тушумнинг харажатлардан ортикча суммасини чет элга ўтказишларини ташкил этиш ва амалга ошириш бўйича йўрикнома» (рўйхат рақами 723, 1999 йил 12 май) Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идоралари норматив-хукукий хужжатларининг давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳакда мазкур давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.
- 2. Идоравий меъёрий хужжатларни давлат руйхатидан утказиш бошкармаси (Б. Болиев) ушбу норматив-хукукий хужжатни давлат реестридан чикарилганлигини ун кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.
- 3. Қонун хужжатларини туркумлаш ва хуқуқий ахборот бошқармаси (С. Нуриев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари туплами» «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.
- 4. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ушбу норматив-

хукуқий хужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қумиталари ва идоралари норматив-хуқуқий хужжатларининг давлат реестридан чиқарилганлигини ун кун муддат ичида барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

- 5. Мазкур буйруқ давлат руйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.
- 6. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклансин.

Вазир

н. йўлдошев

Тошкент ш., 2011 йил 12 декабрь, 266-мх-сон